

Мавзу: От сўз туркуми устида ишлашда фанлараро интеграциялашган дарсларни ташкил этиш (она тили, ўқиш, табиатшунослик, тасвирий санъат)

Таълим муваффақияти кўп ҳолатда тарбияланувчиларнинг олдин ўзлаштирган билимларининг хотирада тез ва аниқ акс эттириши қобилиятини ривожлантиришга ёрдам берувчи ўзаро боғлиқ бўлган омиллар сонига боғлиқ. Бу қобилиятни шаклланишида фанлараро алоқалар муҳим ўрин тутди.

От сўз туркумини ўқишда қуйидаги методлардан фойдаланиб интеграциялашган дарсларни ташкил этиш мумкин

“Бизнинг оила” мавзусида 5-6 гапли матн ёзинг.

Биз оилада 5 кишимиз. Дадам, ойим, акам, мен ва синглим. Уйимизда балиқ ва қуш ҳам бор. Ойим гул парваришлашни ҳам ёқтиради. Балиқчага мен ғамхўрлик қиламан. Қушни эса синглим боқди. (5 минут)

Матнни ифодали ўқинг ким?, нима? сўроғига жавоб бўлган сўзларни белгиланг. (5 минут)

Матн асосида расм чизинг. Чизган расмларингизни устига сўроқларини ёзинг, нега шундай сўроқ берганингизни тушунтиринг. Отангизни, онангизни, акангизни ва синглингизни исмларини ёзинг. Балиқчангизни ва қушингизни қандай ном билан чақирасиз?

Бош ҳарфлар имлоси, атоқли ва турдош отлар тўғрисида билимлар берилади.

Луғат устида ишлаш. (2 минут)

Парвариш

Ғамхўрлик

сўзларини изоҳлаш, маънодошларини топиш.

От сўз туркумининг қондасини ўқувчиларга ўқиттириш.

Грамматик тушунчанинг моҳиятини очиб бериш.

Мустаҳкамлаш: дарсликдаги машқларни ўқувчиларга бажартириш.

Қўшимча маълумотлар бериш: ҳайвонлар, уларнинг турлари, жумладан ўқувчилар уйларида боқаётган ҳайвонлар қайси туркумларга кириши, қанотли дўстларимиз ҳақида маълумотлар бериш, уларнинг ҳаёти, озиқланиши, иссиқсевар ва совуққа чидамли қушлар тўғрисида сўзлаш, уларнинг расмларини кўрсатиш, хонаки ва ёввойи ўсимликлар тўғрисида маълумотлар бериш, балиқларни сузишини тамоша қилиш, қушларнинг чуғурлашларини тинглаш, гулларнинг ҳушбўй ифोरини ҳис қилиш инсон руҳиятига ижобий таъсир этишини ўқувчиларга тушунтириш лозим. Бу метод ёрдамида ўқувчиларнинг олдин ўзлаштирган билимлари такрорланади, маълум бир тизимга солиниб уларнинг онгида фан ҳолида автоматлашган малакага айланиб боради. Бундан ташқари олдин ўзлаштирилган билимлар янги материални ўзлаштиришда ўқитувчи томонидан жалб қилиниши қўшимча қўзғатувчи вазифасини ўтаб бош мия қатлами катта ярим шарининг функционал ҳолатига таъсир ўтказади. Бу ўқувчиларини янги билимларни ўзлаштириш бўйича бўлажак фаолиятларига ижобий таъсир кўрсатади. Марказий нерв системаси қўзғатувчига нафақат унинг характериға қараб балки олдинги қўзғатувчиларнинг ҳаракатиға қараб таъсир қилади.

Демак, фанлараро интеграциялашган дарсларни таълим тизимида мунтазам қўллаб бориш ўқувчини янги грамматик тушунчани ўзлаштириш билан бирга борлиқни бир бутун ҳолда эмоционал қабул қилишиға, шунингдек мантиқий дунёқарашни шакллантиришға хизмат қилади.

“Мақтабгача, бошланғич ва махсус таълим” кафедраси

Катта ўқитувчиси Г.Исмоилова,

ўқитувчи М.Абдурахимова